



Каттакургон шаҳар Ингичка кўчаси атрофидан “METAL SOLUTION TECHNOLOGIES” масъулияти чекланган жамияти кўринишидаги кўшма корхонасига “Кунгабоқар мойи ишлаб чиқариш ва қадоклаш” цехи биноларини қуриш учун 2,0 га ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг 2013 йил 5-февралдаги 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибидек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибидек қарорларининг 2018 йил 22-январдаги “2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида қуриладиган қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Самарқанд вилоятида қуриладиган қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 47-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш, ҳамда “METAL SOLUTION TECHNOLOGIES” жамияти чекланган жамияти кўринишидаги кўшма корхонаси раҳбарининг қарори ва “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини тасдиқлашга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакургон шаҳар Ингичка кўчаси атрофидан “METAL SOLUTION TECHNOLOGIES” масъулияти чекланган жамияти кўринишидаги кўшма корхонасига “Кунгабоқар мойи ишлаб чиқариш ва қадоклаш” цехи биноларини қуриш учун 2,0 га ер майдони ажратилсин.
3. “METAL SOLUTION TECHNOLOGIES” масъулияти чекланган жамияти кўринишидаги кўшма корхонаси раҳбарига белгиланган тартибда қилинган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида “Кунгабоқар мойи ишлаб чиқариш ва қадоклаш” цехи биноларини қуриш учун ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.
4. Ушбу қарор тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рўхсатномалар олиш учун асос ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.


114
5. Шаҳар бош архитектори (О.Розиқов) ва Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (У.Туропов)га “METAL SOLUTION TECHNOLOGIES” масъулияти чекланган жамияти кўринишидаги қўшма корхонасига “Кунгабоқар мойи ишлаб чиқариш ва қадоқлаш” цеҳи биноларини қуриши учун ажратилган ер майдонини натура тарзда ўлчаб бериш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш топширилсин.

6. “METAL SOLUTION TECHNOLOGIES” масъулияти чекланган жамияти кўринишидаги қўшма корхонаси раҳбари томонидан шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган тармоқ жадвали асосида белгиланган муддатларда қурилиш ишларини тугатиш ва фойдаланишга қабул қилиш ишлари амалга оширилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

7. “METAL SOLUTION TECHNOLOGIES” масъулияти чекланган жамияти кўринишидаги қўшма корхонасига “Кунгабоқар мойи ишлаб чиқариш ва қадоқлаш” цеҳи биноларини қуриш учун ажратилган ер майдонини бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари М.Санаев ва Б.Кенжаевлар зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



М.Ҳашимов